



# Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 16 август,  
№68 (1035)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2014 йил 19-20 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашувлар чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол муҳокама этилиб, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашнинг асосий йўна-

лишлари бўйича апрофлича фикр алмашилади. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма декларация қабул қилиш, Ўзбекистон ва Хитойнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро ва бошқа катор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

### БУГУН — УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ КУНИ

## Ҳар кўча, хиёбон саришталик билан файзли

Истиқлол шодиёналарини ораста хонадонда, обод маҳаллада кутиб олиш, байрам тадбирларини саришта кўча ва сайилгоҳларда нишонлаш кутлуг айём шукухини янада оширади.



### ■ Т. НИЗОМОВ «Mahalla»

Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан жорий йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари, деб эълон қилинди.

Ушбу тадбирдан қўзланган мақсад мустақиллигимизнинг йилгирма уч йиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни янада юксалтириш, маҳаллалар, аҳо-

ли тураржойларини ободонлаштириш, республиканинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишдан иборат.

Шунга мувофиқ, бугун эрта тонгдан юртимизнинг барча маҳаллалари, кўчаю хиёбонларида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида ободонлаштириш ва тозалик ишлари бошлаб юборилди.

> [2]

### «МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

## Тадбиркорлик ривожда мустаҳкам таянч

Мамлакатимизда жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти йил сайин ривожланиб, уларнинг жамиятимиз равиқига қўшаётган ҳиссаси ортиб

бораётир. Шубҳасиз, улар орасида маҳалла институти ўзига хос хусусиятлари — кенг ваколати, нуфузи ва аҳоли ишончини қозонгани билан ажралиб туради.

### ■ Фахриддин СОЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Зеро, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари миллий ва демократик кадрлар тарғиботчиси, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда фаол кўмакчи, «халқ виждони» деган юксак маквени ўзида ифодалаган тузилма сифатида аллақачон халқимиз

ҳурматини қозongan. Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги устувор йўналишлар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини аниқ кўрсатиб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғриси-

да»ги қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш сингари халқчил ғоялар бугун ҳаётда ўз аксини топмоқда. Хусусан, мазкур қонун янги тахрирда қабул қилинди. Унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашини мустаҳкамланди.

> [3]

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

### МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА



## Гузару гулбоғлари мафтункор диёр

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган замонавий тураржойлар, айниқса, «Истиқлол» маҳалласи гузари ҳудуд хуснига бамисоли узукдаги кўздек ярашиб тушган.

### ■ Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Юртимизга ташриф буюрган хорражлик меҳмонларнинг ушбу фуқаролар йиғинида бўлиши ҳам бежиз эмас. Мусаввирга мўйқалам тутқазиб, ёзувчию шоирларга илҳом бағишлаган бу каби гўзал масканлар Тошкент вилоятида талайгина.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 6 августдаги «2013–2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда замонавий тарзда қурилган маҳалла гузарлари сони тобора ортиб

борапти.

Мазкур қарор асосида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ҳамда туман (шаҳар) бўлималари 2013–2014 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларини янгидан қуриш ва таъмирлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан.

— Обод турмуш йилида вилоятдаги 4 та шаҳар ва 12 та туманда янги бинога муҳтож 27 та фуқаролар йиғинидан 3 тасининг идорасини янгидан

қуриш, 10 тасини реконструкция қилиб, 14 тасини капитал таъмирлаш режалаштирилган эди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. — Ушбу мақсадларга ҳомийлар ҳисобидан 1 030,8 миллион сўм ҳамда Фонднинг вилоят бўлими томонидан 250 миллион сўм маблағ ажратилди. Режалаштирилган ишлар самарали амалга ошириляпти.

> [3]

### «МАҲАЛЛА КУНИ»

## Мурувват ва ҳимматли элнинг қадри улуг

Истиқлол шарофати билан юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият юритаётган фидойи инсонлар меҳнатини муносиб баҳолаш, рағбатлантириш, қолаверса, маҳалладошлар учун байрам тадбирларини ташкил этиш мақсадида ҳар йили республикамиз миқёсида «Маҳалла кuni» тадбирлари ўтказиб келинади.

### ■ Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Жиззах шаҳрида «Маҳалла кuni» бу йил ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. Байрам тадбирлари «Олмазор» маҳалласидаги «Шукрона» тўйхонасининг очилишига улашиб кетди. Шу кунни янги қошада кам таъминланган оила фарзанди Ботиржон Хайруллаевнинг суннат тўйи бўлиб ўтди.

Хайрли ишларга ўз хиссасини қўшиб келаётган тадбиркор Бобошер Имомов «Олмазор» маҳалласидаги кам таъминланган оила фарзандларига доимий кўмак кўрсатиб келаётгани ва

худудни ободонлаштиришдаги фаоллиги учун йилнинг фахрий эрлиги билан тақдирланди.

Наманган вилоятида «Маънавият бешигисан, маҳаллам» шiori остида «Маҳалла кuni» тадбирлари юқори савияда ўтказилмоқда. Жумладан, Чуст туманида миллий ва маънавий кадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллаларни ривожлантириш йўналишида амалга ошириляётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш ва муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни омалаштириш мақсадида ўндан ортиқ тадбир уюштирилди.



> [2]

### АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

## Гўза парваришида ҳар дақиқа ғанимат



Юртимизнинг барча дехқонлари қатори фарғоналик миришкорлар ҳам айни кўшпчи кунларнинг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, мўл ҳосилга замин ҳозирлаш ҳаракатидалар.

### ■ Расул КАМОЛ «Mahalla»

Фурқат туманидаги «Катта янги» маҳалласидаги «Шабодан» фермер хўжалиги аъзолари гўза ҳосилдорлигини ошириш мақсадида агротехник тадбирларни кўп йиллик тажрибаларига таянган ҳолда амалга оширишмоқда.

Туман марказидан 20 километр олинсадаги чўл ҳудудда жойлашган мазкур фермер хўжалиги ери қумли, камунум бўлишига қарамай, ҳар йили пахта ва ғалла топириш режасини ортинги билан бажариб келмоқда. Жорий йилда ҳам мавжуд

81,6 гектар майдондаги пахтазорнинг ҳар бир туп гўзаси миришкорлар ардоғида. Шу кунга қадар ниҳоллар икки марта азотли, фосфорли минерал ўғит билан озиклантирилди, бегона ўтлардан тозаланиб, кўтарма нассослар ёрдамида қондириб сугорилди. Қолаверса, ҳосилдорлик саломини ошириш омили — гўзаларни чилшини ишлари ҳам сифатли тарзда якунига етказилди. Зарарли хашаротларга қарши биологик усул қўлланилди. Ҳозир ҳар бир туп гўзадаги 8-10 тадан бўлиб кўсак, 20-25 тадан гул ва шона юксак хирмондан дарак бериб турибди.

> [3]

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Тиббий хизмат: сифатли, малакали ва замонавий



**< [1]**

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ, тиббиёт тизимини такомиллаштиришга 19 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Умида Ғозиева. — Ушбу маблағ, асосан, тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, жихозлаш ҳамда аҳоли ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўриклари ташкил этиш ва эмлаш тадбирларига сарфланмоқда. Хусусан, жорий йилда вилоят болалар кўп тармоқли шифохонасида, онкология диспансерида қурилиш ва реконструкция иш-

нимация бўлимларида касалликларни даволаш, таъхис қўйиш имконияти мавжуд. Таъкидлаш ўринлики, йил сайин тиббий жихозлар ва ускуналар такомиллашиб бораётир ва бу хизмат кўрсатиш сифатини оширмоқда. Янги рақамли рентген, ультратовуш текширув диагностика ашаратлари, физиологик монитор, лапароскоп, гастропрофиброскоп, бронхоскоп сингари янги ускуналар ёрдамида касалликлар ўз вақтида аниқланиб, зарур муолажалар олиб борилаётди.

Шифохонага 526 миллион сўмлик замонавий лаборатория жихозлари олиб келинди. Шунингдек, тиббий мажмуа тасарруфидеги туғуруқ бўлими тулик реконструкция қилиниб, 24 турдаги янги асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Туманда она ва бола саломатлигини муҳофазат қилишга қаратилган мажмуа тасарруфидеги туғуруқ бўлими тулик реконструкция қилиниб, 24 турдаги янги асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Туманда она ва бола саломатлигини муҳофазат қилишга қаратилган мажмуа тасарруфидеги туғуруқ бўлими тулик реконструкция қилиниб, 24 турдаги янги асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Тиббиёт муассасаларида аҳолига дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, керакли маслаҳатлар бериш учун зарур ускуналар ҳам, тажрибали мутахассислар ҳам етарли. Хайрли ишлар замирида аҳоли саломатлигини муҳофазат қилиш, соғлом фарзандларни дунёга келтиришдек эзгу мақсад мужассам.

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

# Билаги бақувват баҳодирлар сараланди

Сурхондарё — азалдан кураги ерга тегмайдиган полвонлар юрти. Бугунги кунда ҳам сурхон ёшлари спортнинг миллий кураш тури бўйича аждодларига муносиб авлод бўлиб етишмоқда. Анъанавий «Маҳаллаамиз паҳлавонлари» республика спорт мусобақаларининг вилоят босқичида эса ана шундай сергайрат полвонлар сараланди.



### Мухбирларимиз.

Мусобақада 2000-2001 йилларда туғилган 46, 50, 55 кг. вазндаги ўғил болалар ҳамда 44, 48, 52 кг. вазндаги қизлар куч синашди. Мурасасиз бахслар натижасига кўра, 46 кг. вазн бўйича Термиз тумани «Халқобод» маҳалласидан А.Хўжаёров, 50 кг. вазн бўйича Шўрчи тумани «Қонобод» маҳалласидан Ж.Жўраев, 55 кг. вазн бўйича Ангор тумани «Қаттақум» маҳалласидан Д.Эшдавлатов ғолиб деб топилди.

Қизлар ўртасида қизинг кечган беллашувларда эса 44 кг. вазнда Ангор тумани «Халқобод» маҳалласидан Ш.Мўминова, 48 кг. вазн бўйича Шўрчи тумани «Оқтумшук» маҳалласидан Д.Мамарахимова ҳамда 52 кг. вазн бўйича Қумқўрғон тумани «Янгиқизилоқ» маҳалласидан С.Бўронова биринчи ўринга сазовор бўлди. Ғолиблар мусобақанинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Қизриқ туманидан С.Яхшибоев, қумқўрғонлик А.Хайридинов, Термиз туманидан И.Мамадалиев, шунингдек, қизлар ўртасида шўрчилик

Ў.Нормўминова, Термиз туманидан Б.Қорабоева ҳамда ангорлик Г.Қўлдошева ўз вазн тоифалари бўйича «Энг яхши курашчи» номинациясида ғолиб бўлишди.

Ғолиб ва совриндорларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Кибрай туманидаги «Хумо» спорт мажмуасида «Маҳаллаамиз паҳлавонлари» спорт мусобақаларининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туманлардан жами 108 нафар ёш полвон гиламга чиқди. Мурасасиз беллашувлар якунига кўра, қизлар ўртасида 44 кг. вазнда

Ангрэн шаҳар «Жигаристон» маҳалласидан Г.Сапарова, 48 кг. вазнда Бўстонлик тумани «Тўлеби» маҳалласидан Ж.Сападинова, 52 кг. вазнда эса Кибрай тумани «Навбахор» маҳалласидан С.Йўлдошева ғолибликни қўлга киритди.

Шунингдек, ўғил болалар ўртасида 46 кг. вазнда Ангрэн шаҳар «Жигаристон» маҳалласи полвони З.Урмоналиев, 50 кг. вазнда Бўстонлик тумани «Бунёдкор» маҳалласи курашчиси С.Жолдибаев, 55 кг. вазнда Ангрэн шаҳар «Жигаристон» маҳалласидан Б.Рустамовларга тенг келадиган курашчи топилмади. Улар мусобақанинг республика финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.



## Асрий музликлар қисқармоқда

Миллионлаб кишиларни обихаёт билан таъминлайдиган Тибет музликларидеги сўнгги икки мингйилликдаги энг юқори харорат кузатилмоқда.



Хитой фанлар академияси маълумотларига кўра, кейинги 50 йилда музликда харо-

рат ўрта ҳисобда икки баробарга ошган. Бунинг натижасида Хитой ва Хиндистоннинг Тибетдан бошланадиган Хуанхэ, Янзи, Брахмапутра, Салуин ва Меконг дарёларига тушадиган сув миқдори камайиш хавфи бор.

Тибет музликлари сўнгги 30 йилда 15 фоизга қисқарган. Иқлим ўзгаришлари сув тошқинларини келтириб чиқариши мумкин.

## Олтинга қизиқиш камайган

Жорий йилнинг иккинчи чорагида дунёда олтинга бўлган талаб 16 фоизга тушиб кетди.

Олтин бўйича Бутунжаҳон кенгаши маълумотларига кўра, бу миқдор рақамларда ифодаланганда 963,8 тоннага камайган. Бундай

бўлишга заргарлик соҳасида мазкур металл бўлган қизиқишини пайсано кетгани сабаб этиб кўрсатилмоқда.

## Энди уйланишга чеклов бор

Саудия Арабистони ҳукумати хорижлик аёлларга уйланиш бўйича қатор чекловларни жорий қилди.



Саудиялик эркакларнинг Чад, Покистон, Мьянма ва Бангладеш фуқароларига уйланиш тақиқланди. Бойси мазкур мамлакатлардан келиб


қиролликда яшаётганлар сонини ярим миллиондан ошган. Хориждан уйланидиганларга баъзи талаблар ҳам қўйилган. Жумладан, кўёнинг ёши 25 дан кичик бўлмастлиги, агар унинг хотини бўлса, такрор уйланишга жиддий сабаб бўлиши шарт. Аёли тузалмас ўсма касалликлари, паркинсон дардига йўлқикан ёхуд булуш бўлсагина эр такрор уйлана олади.

Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти томонидан Раҳмонов Яхшимурад Сайимовичга 1995 йил 30 июнда берилган № 300-рақамли гувоҳнома йўқоқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

# Тафаккур дурдонаси китобхонлар ихтиёрида



Мустақиллик йилларида юртимизда маданият ва маънавият маркази бўлмиш кутубхоналар фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш қонун асосида мустаҳкамланди.

Гулжаҳон ЖАББОРОВА, журналист.

Юртбошимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Андижон вилояти болалар кутубхонасига вилоят ахборот-ресурс маркази мақоми берилди. Бу эса, ўз навбатида, ахборот-ресурс маркази хизматидан фойдаланувчилар сафига аҳолининг барча қатламга мансуб китобхонлар қўшилиши, фонд ахборот манбасининг электрон шакллари, ўқув-методик қўланмалари билан йилдан-йилга бойишига замин яратди.

Бугунги кунда вилоят ахборот-ресурс марказидан ўрин олган ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, комуслар ва бошқа китоблар, уларнинг электрон шакли ва аудио-видео материаллардан иборат фонди 102 мингтани ташкил этади. 24 нафар кутубхоначи китобхонларга малакали хизмат кўрсатаётир.

— Хозирда 16 мингдан зиёд маълумотлар базаси шакллантирилган, — дейди ахборот-ресурс маркази директори Авазбек Қўлдошев. — Марказ хизматида фойдаланувчиларнинг ахборотга талаб ва эҳтиёжлари интернет, Ziyonet тизимидаги маълумотномалар базаси ҳамда маълумот-библиография апарати ёрдамида қондирилмоқда. Шунингдек, китобхонларимиз Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази сайти ҳамда www.andijonvirm.uz электрон базага кириб, керакли маълумотлардан фойдаланишлари мумкин. Электрон кутубхона марказидаги 13 та замонавий компьютер, нусха кўчириш ашаратлари ва бошқа техник жихозлар китобхонлар ихтиёрида.

Фойдаланувчиларнинг ахборотга эҳтиёжини тўла-тўқис қондириш мақсадида тизимдаги ахборот-кутубхона муассасалари билан бир қаторда бошқа идораларга қарашли ахборот-кутубхона муассасалари ресурслари локал тармонини ташкил этиш ишлари якунланаётир.

## ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

# «АСАКА» БАНК

қўйидаги миллий ва хорижий валюталардаги мuddатли омонат турларини таклиф этади:

**миллий валютада:**  
**«БАРАКАЛИ»**  
Ҳисобланган фойзалар хар ойда тўланади

**«ИМТИЁЗЛИ»**  
Ҳисобланган фойзалар хар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар хар чорақда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади

**хорижий валютада:**  
**«ШОДИЁНА» (АҚШ доллариде)**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фойзалар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар омонат мuddати тугагандан сўнг берилади

**Шу билан бирзаликда, «Асака» банк 90 дан ортки турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтириқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	532-61-06	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёригизда!
- миқдори чекланмаган!

**«АСАКА» БАНК — САРМОЯНГИЗНИ САҚЛАНИШИ ВА КўПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!**

Хизматлар лицензияланган



«МАҲАЛЛА КУНИ»

# Мурувват ва ҳимматли элнинг қадри улур

< [1] «Алла» айтиш бўйича ташкил этилган мусобақада 7 та маҳалла аёллари иштирок этди. Беллашувда «Оғасарой» маҳалласидан Севара Ашуралиева ғолиб, деб топилди. Шунингдек, иккитдорли маҳалла ёшлари иштирокида «Баҳри байт» мушоираси ҳам бўлиб ўтди. Унда Резаксой кишлоғи ва «Бибиона», «Мустанкилик», «Ботанда» маҳаллалари ёшлари қатнашди.

**Самарқанд вилояти** Булунгур туманидаги маҳаллаларда ушбу тантана муносабати билан байрам дастурхони ёзилиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан туман бўлими хамда хомийлар томонидан ҳудуддаги ҳам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ёлғиз кексаларга хамда ногиронларга меҳмурувват кўрсатилди.

Тадбир тантаналари туман марказидаги маданият ва истироҳат боғида кечга қадар давом этди. «Маҳалла кунини» тадбирлари вилоятнинг бошқа туманларида ҳам кенг нишонланди. Уларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими билан биргаликда яратилган қўлайликларни авваллари фақат орзу қилиш мумкин эди, ҳоло.

**Сурхондарё вилоятида** «Маҳалла кунини» доирасида ўтган тадбирлардан бири Фонднинг Ангор тумани бўлими томонидан уюштирилди. Унда йирилган тумандаги қайта таъмирдан чиқарилган Янгиобод хамда Хўжамко кишлоқ фуқаролар йиғинига ташриф буюришиб, уларнинг иш фаолиятлари билан яқиндан танишди.

Байрам Қумқўрғон туманидаги Арслонбойли кишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Маҳалла фуқаролар йиғинида кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорликни ривожлантиришда жамоатчиликнинг ўрни» мавзусидаги ўқув-семинари билан давом этди. Тадбир доирасида «Бобот» маҳалласида фаолият юритаётган тикувчилик цехи фаолияти ўрганилди. Цехда импорт ўрнини босувчи 10 турдаги махсулот ишлаб чиқарилаётган. Унда ўн нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

**Тошкент вилоятида** ҳам «Маҳалла кунини» кўтаринки кайфиятда давом этаётган Паркент туманидаги маҳаллаларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан қўз қувнади.

«Маҳалла кунини» тадбирларида йил давомида маҳаллаларда қўлга киритилган ютуқлар хамда йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинади, — дейди Фонднинг Паркент тумани бўлими раиси Фахриддин Дадаматов. — Қувонарлиси, кейинги йилларда маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги нуфузи янада ошди. Чунки замонавий тилда барпо этилган кишлоқ врачлик пунктлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачалари, аҳоли учун яратилган қўлайликларни авваллари фақат орзу қилиш мумкин эди, ҳоло.

Бундан ташқари, тадбирларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спорт мусобақалари ташкил этилди. Хисорак кишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла ёшлари ўртасида уюштирилган футбол учрашувларида 16 та жамоа ўзаро баҳсланди.

«Маҳалла кунини» муносабати билан ободонлаштириш, бунёдкорлик хамда маънавий-маърифий тарбия ишларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган фаоллар муносиб рабатлантирилмоқда.

«Маҳалла кунини» тадбирлари республикамизнинг барча маҳаллаларида давом этмоқда.

БУГУН — УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ КУНИ



# Ҳар кўча, хиёбон саришталик билан файзли

< [1]

Ортимизда байрамлар арафасида бунёд этилган гўзал янги иншоотлар, тураржойлар, маданият ва спорт объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари хамда болалар майдончаларини фойдаланишга топшириш эзу анангага айланган.

Пойтахтимиз маҳаллаларида қурилган янги савдо ва машина хизмат кўрсатиш шохбачалари, болалар майдончалари Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами муносабати билан фойдаланишга топшириляпти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси Зухриддин Асомов. — Ободонлаштириш тадбирларида ушбу объектлар атрофи тозаланиб, йўл бўйларига гул қўчатлари ўтказилаётган. Ўйга гўёна билан, дегандай кўтулғ сана арафасида Олмазор туманидаги «Хончорбо» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биносини ишга тушириш кўзда тутилган.

Ободонлаштириш ва тозалик ойлари хамда умумхалқ хайрия ҳашари доирасида маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар, ховлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, ариқлар, кўча ва йўлақлар хамда

болалар майдончалари тартибга келтириляпти.

Ана шундай оммавий ҳашарлар туфайли маҳаллаларимиз янада обод бўлди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтохур тумани бўлими раиси Розик Курбанов. — Тумандаги 10 та маҳаллада 30 дан зиёд болалар майдончаси, 40 дан зиёд автомобиль саклаш жойлари фойдаланишга топширилди. «Шодлик» маҳалласи аҳли хам бундай қўлайликлардан мамнун. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болалар майдончаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 40 та янги майдонча қурилиб, зарур воситалар билан жиҳозланди.

Юнусobod туманининг «Янгиobod» маҳалласида «Намунавий маҳалла» Дастури доирасида нақонуний қурилмаларнинг ўрнига боғ, гулзор ва майдончалар барпо этилмоқда. Худуддаги мавжуд бешта болалар майдончаси босқичма-босқич реконструкция қилинди.

Ҳашар инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаб, ёшларимиз қалбига она-Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлайди.

Ҳашар йиғинимиз аҳолисини хамжихатлик ва уюшқоқлик руҳида меҳнат қилишга ундайпти, — дейди Ҳамза туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хонзода Абдуҷалилова. — Эрта тонгдан бошланган хайри ишларда йиғинимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари фаол иштирок этишляпти. Айниқса, ёшларимиз ташаббус билан худуддаги мактабга таълим хамда умумтаълим мактаблари атрофи тозаланиб, тартибга келтирилди.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Дарҳақиқат, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, аяқка ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий хамда маънавий ёрдам кўрсатиш, уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш хам хашарнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Ҳа, бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг барча шаҳару кишлоқларида уюшқоқлик билан давом эттириляпти. Бундай эзу амаллар туфайли ортимиз тобора чирой очмоқда. Кундан-кун обод ва файзли бўлиб бораётган масканлар халқимизнинг ҳаётига маъно-мазмун бағишлаб, эртанги кунга ишончини янада юксалтирмоқда.

МАСЪУЛ КОТИБ МАСЪУЛИЯТИ

# Фидойи ва жонқуяр инсон

Фуқаролар муружаати билан ишлаш бугуннинг ўта долзарб, эътибор қаратилиши зарур бўлган ижтимоий-ҳуқуқий масалаларидан. Муружаатларни ўрганиш, уларнинг ечими борасидаги чора-тадбирларни қўллашда маҳаллалардаги масъул котиблар фаоллиги аққол кўзга ташланади.

■ **Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА**  
«Mahalla»

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «2-Қаторгол» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Мухаббат Эргашеванинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Мухаббатхон опанинг бугун вазифаю масъулияти катта: аҳоли тақдир ва турмушига дахлдор вазифаларни бажаряпти. Эрталабдан идора эшиги олдида ўқиш ёки ишга тавсифнома, кредит ва бошқа имтиёзлар учун қафолат хати олиш истагидар маҳалладорлар тўпланишади.

Кўп йиллардан бери маҳалла тизимида фаолият юритаётганим боис ҳар бир фуқаронинг оилавий шароити, ҳуқуқ-аъводини яхши биламан, — дейди М.Эргашева. — Бу ҳужжатлар ёзишда қўл келади. Фаолиятимиз кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Хатто хоризга ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг маълумот дафтарларини юритиш ишлари «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари хамда масъул котиб хамкорлигида амалга оширилади. Қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлар тарғиботи хам зиммамиздаги залворли юмушлардан.

Масъул котиб сиёсий-ҳуқуқий билимлар соҳиб бўлиши керак. Чунки Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Намунавий низоомда белгиланганидек, масъул котиб фу-

қаролар йиғини кенгаши аъзоларини, фаолларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президентимиз фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар хамда тизимга доир 20 га яқин меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан таништириб боради.

Жорий йилда маҳаллада истиқомат қилувчи 41 нафар йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлади. Қувонарлиси, улардан 37 нафари йиғин кўмагида меҳнат фаолиятини бошлади. 5 нафари хунармандчилик билан шуғулланаётган бўлса, яна 4 нафари олий таълим муассасаларига ҳужжат топширди. Табиийки, улар учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда масъул котибининг ҳиссаси катта.

Масъулият бор жойида интилиш бўлади, муаммолар ўз вақтида ҳал этилиб, муружаатлар қаноатлантирилади. М.Эргашева фуқаролар муаммо ва муружаатлари ечимига масъулият билан ёндашади. У маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи еши улуглар билан хамкорликда ишлайди, уларнинг суҳбатини олишга интилади. Шу боис қатор-толликлар аҳоли манфаатларини кўзловчи масъул котиб ишдан мамнун.



СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# Аҳли инок, худуди кўркам маскан

< [1]

Худудда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларидан аҳоли мамнун, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Уктам Мирзаев. — Жорий йилда худудимизда машина техникаларини таъмирлаш цехи, «Устоз — шогирд» йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган уй жиҳозлари тайёрлаш устaxonаси, иккита тикувчилик хамда битта зардўзлик кийим-кечалари тайёрлаш цехи ишга туширилди. Иккита волейбол ва битта футбол майдончаси барпо этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим омил бўлаётган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳияти аҳолига тушунтирилмоқда.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида худуддаги «Кимёгар» йўлгоҳи, Навоий қончилик хамда техника-иктисодий кесб-хунар коллежлари маъмурияти билан келишган ҳолда турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилляпти.

Айни пайтда янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашишни кўзда тутган ҳолда «Маслаҳат маркази»ни ташкил этиди, — дея суҳбатини давом эттирди У.Мирзаев. — Маслаҳат марказида тадбиркорликни бошлаш нияти-



даги фуқароларга соҳага оид қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар очилди, кредит олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам берилди.

Кейинги йилларда маҳаллаларда болалар майдончалари қуриш кўлами кенгайиб бормоқда. Бундай масканлар нафақат болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, балки саломатлигини мустаҳкамлашда, жисмонан чиникишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болалар майдончаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жорий йилда «Кимёгар» маҳалласида 2 та болалар майдончаси капитал таъмирланди ва зарур воситалар билан жиҳозланди, биттасини таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Маҳалламизда ўтган йил ва жорий йилда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик содир этилмади, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия

масалалари бўйича маслаҳатчиси Нафиса Шернаева. — Бу аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш мақсадида олиб бораётган ишларимиз самарасидир.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шоднавали тобора яқинлашмоқда. Президентимизнинг 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига таъйёрлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини асосида вилоятимизнинг барча худудларида ушбу кутлуғ айёмни муносиб кутиб олишга қизғин тарафдўр қўриляпти. Жумладан, «Кимёгар» маҳалласи аҳли хам ободонлаштириш ва тозалик ойлари уюшқоқлик билан, ён-атрофини саранжом-саринштаб, кўтаринки кайфиятда ўтказиш ҳаракатида. Маҳалланинг «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови вилоят босқичида ғолиб бўлган эса кутлуғ айёмга муносиб совғаидир.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Фаолият мувофиқлиги — самарадорлик омили

Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар самарали иш олиб бормоқда.

■ **Расул КАМОЛ**  
«Mahalla»

Фарғона вилояти худудий кенгаши томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини изчил йўлга қўйишдаги фаолият кўлами кун сайин ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўзида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида 2300 дан ортик маънавий хизмат кўрсатиш шохбачаси, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес корхоналари ташкил этилди. Уларда 4 мингтага яқин янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 20 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 104 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. 8 та йиғин биноси реконструкция қилинди, 2 таси янгидан қурилди.

Уч минг нафарга яқин ижтимоий ёрдамга муҳтож оила вакиллари моддий ёрдам кўрсатилди. Ушбу мақсадлар учун Фонд ва хомийлар ҳисобидан 280 миллион сўмдан зиёд маб-

лағ сарфланди.

Янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мувофиқлаштириш бўйича худудий кенгашлар билан хамкорликда иш олиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари, худудий кенгаш масъул котиби Бахтиёр Қодиров. — Шу кунгача фуқаролар йиғинларига тизимга оид мингдан ортик ўқув-қўлланма етказиб берилди. 1530 нафардан ортик соҳа ходимлари махсус ўқув курсларида малака оширди.

Маҳаллаларда миллий кадрларнинг эъозлаш ва изчил тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг қонунда белгиланган вазифаларига тааллуқли бўлмаган масалалар бўйича турли тадбирларга жалб этишга хам барҳам берилмоқда.

Кенгаш фаолияти билан боғлиқ ишлар, ибратли ташаббуслар кун сайин ортиб бормоқда. Жойларда йиғин ходимлари учун қўлай иш шароитлари яратилаётган.

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

«МАСЛАХАТ МАРКАЗИ»

Гузару гулбоғлари мафтункор диёр

Шунингдек, қарорда назарда тутилган йилларда вилоятда реконструкция қилиниши лозим фуқаролар йиғинлари биноларида ушбу ишлар амалга оширилди. Утган давр мобайнида капитал таъмирга муҳтож 8 та фуқаролар йиғини биноси ишга туширилган бўлса, айни пайтда яна 6 тасида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Ушбу мақсадларга Фонд ҳисобидан 685,6 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Янги гузарда фуқаролар билан самарали иш олиб бориш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Кўйи Чирчик туманидаги «Тўқбой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Хобиев. — Идора ёнида йиғин ахлини асосий турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида барпо этилган бозорча хизматидан аҳоли мамнун. Бундан ташқари, ҳудудда футбол ва волейбол майдончалари ташкил этилиб, барча зарур жиҳоз ва анжуман билан таъминланди. Марказдаги милиция таянч пункти ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда қўл келмоқда.

Бугунги кунда маҳалла фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда таъсирчан идорага айланди.

Албатта, кенг доирадаги ваколатлардан унумли фойдаланиб, фаолият самардорлигини оширишда барча шароитга эга замонавий бино ҳамда моддий-техник базанинг мустаҳкамлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис жорий йилда фуқаролар йиғинлари биноларини янгидан қуриш, борларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг мажбурият қарори асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ жорий йилда ҳам вилоятимизда 3 та фуқаролар йиғини учун янги бино қуриш, 12 тасини

реконструкция қилиш ва 19 тасини капитал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда давом этяпти, — дея суҳбатни давом эттирди А.Расулов. — Бунинг учун ҳомийлар ҳисобидан 1 019,6 миллион сўм ҳамда бўлимиз томонидан 435,2 миллион сўм маблағ ажратилди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида Фонднинг вилоят бўлими ҳисобидан Пискент туманидаги «Ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биносини қуриш учун 174,6 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда ҳудудда барча қулайликларга эга замонавий маҳалла гузарини қад ростляпти.

Соғлом бола йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган замонавий гузар нафақат ҳудуд кўрнига кўрк қўшади, айни пайтда идорага ёндош барпо этилаётган савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилиши билан қўлбўлаб хонадонларга қут-баракка кирди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида саккизта фуқаролар йиғини бинолари хашар йўли билан таъмирланди. Тадбиркорларнинг ҳиммати тўғрисида эзгу ишлар қўламини янада кенгайтиди. Натيجида маҳаллаларнинг ички йўллари асфальтланган, ичимлик суви қувурлари тортилди.

Замонавий маҳалла гузарини компьютер жамланмалари ҳамда мебель жиҳозлари билан таъминланган бўлиши лозим. Шу мақсадда Фонднинг вилоят бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 978 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари ва 502 тасига мебель жиҳозлари олиб берилди. Айни пайтда 180 та фуқаролар йиғинини компьютер жамланмаси ва 566 тасини мебель жиҳозлари билан таъминлашга киришилган.

Бир сўз билан айтганда, ҳалқимизга хос бунёдкорлик йўлидаги хайрли ташаббуслар тўғрисида маҳаллалар кун сайин чирой очиб, аҳолининг турмуши фаровонлашиб бормоқда. Эзгу мақсад йўлида амалга оширилган ташаббуслар маҳалланинг бугунги ва эртаси янада нурафон бўлишига хизмат қилади.

< [1]

Яқинда Навоий вилояти Кармана тумани ҳокими Шарофиддин Исмаилов иштирокида ҳудуддаги маҳаллаларда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуннинг мазмун-моҳияти, айниқса, тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган мейёрларни юзасидан тушунтириш ишларини олиб бордик. Бундай тадбирларда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашувчи маслаҳат марказлари ташкил этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимаси ЎзЛиДеП Кармана тумани бўлими билан ҳамкорликда ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурда «Маслаҳат марказлари»ни ташкил этиб, уларга услубий ва амалий жиҳатдан қўмаклашадиган бўлди. Республикаимизнинг барча маҳаллаларидаги сингари янги марказлар тадбиркорлик ғояларини тарғиб қилади, ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятидаги шахсларга ахборот-ҳуқуқий маслаҳатлар беради. Бундан ташқари, ҳудудда



Уйа олган сурат.

Тадбиркорлик ривожидида мустаҳкам таянч

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича ваколатли давлат идоралари ва молия муассасалари билан ҳамжиҳат иш юритади.

Тарғибот-тушунтириш йўналишидаги чора-тадбирлар тез орада амалий натижа берди. Жумладан, Кармана туманининг «Варқ» маҳалласида фуқаролар йиғинининг мажлиси чакрилиб, йиғини қошида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашувчи маслаҳат маркази ташкил этилди. Марказ Низоми шўлаб қишлоқ туманидаги турли идора ва ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий шериклик қўл келди. Янги тузилманинг раҳбари ва аъзолари тайинланди, алоҳида хизмат хонаси ажратилди.

Маслаҳат маркази маҳалла ахлига, айниқса, ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда қўмаклашади. Шунингдек, ишбилармонликни кенг тарғиб қилиш, мулкдорлар синфини шакллантириш ва мустаҳкамлашда фаолият кўрсатади.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик халқимизнинг эзгу амалларидан. Зеро, соҳибқирон Амир Темур: «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоқатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир», дея бежиз айтмаган.

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилди. Ўзбекистон Конституциясида ўз ақсини топан мулкчи ва тадбиркорлик нормалари «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Онлавий

тадбиркорлик тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда ривожлантирилди. Президент фармонлари ҳамда ҳуқуқ қарорлари асосида тадбиркорлар солиқ ва божхона имтиёзларига эга бўлмоқда, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бундай қулай ишбилармонлик муҳити ўз самарасини бераётган.

Келинг, қуйидаги рақамларга эътибор қаратайлик. Кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакатимиз ялпи милли маҳсулотидидаги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 55,8 фоизга етди. Бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 75 фоизидан зиёди кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Эндилкида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятидаги киши 2 кун ичидида ўз мақсадига етишади. Эшикма-эшик юрмасдан, «бир дарча» тизими орқали фирмасини тезда давлат рўйхатидан ўтказишади. Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 189 давлат орасида 21-ўринни эгаллади. Бу эътирофга лойиқ улкан ютуқ, албатта.

Қадимдан юртимиз шаҳар ва кишлоқлари тадбиркорлик ва хунармандчилик турларининг ривожланишига кўра бир-биридан ажралиб турган. Жумладан, Кармана шаҳри географик жиҳатдан қулай, Буюк ипак йўли бўйида, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ўртасида жойлашган. Бу ерда хунармандчилик азалдан ривож топган. Бунга ҳудуддаги ўн иккинчи асрда қурилган тадбиркорлар ис-

техкоми «Малик Работ» ҳам гувоҳлик беради. Истиқлол берган имконият тўғрисида қадимий онда яқинида халқаро аэропорт ва Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси барпо этилди.

«Варқ» маҳалласи айни шу ҳудудга ёндош. Бу ерда тўртта кишлоқ жойлашган. Улар сафига янги бунёд этилаётган тураржой массивлари қўшилмоқда. Жумладан, 170 та намунавий уйда яшаётган аҳоли хонадонларида яратилган барча шарт-шароитлардан мамнун. Маҳалла фуқаролар йиғинининг кўрам биноси ҳам янги массивда қурилган. Яқинда иш бошлаган маслаҳат марказига йиғиннинг замонавий биносидан хизмат хонаси ажратилди. Бу эса маҳалла фаоллари билан бирга ҳудуд ахлига қулайлик тудирди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуннинг талаб ва мейёрларининг ҳаётга жорий қилинишида, аниқроғи, Кармана туманидаги «Варқ» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашувчи маслаҳат марказининг ташкил қилинишида мазкур ҳудуддан сайланган депутат сифатида иштирок этганидан мамнунман.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла институти борган сари хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланиб, аҳоли фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

Ғўза парваришида ҳар дақиқа фанимат

< [1]

Президентимизнинг Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалигида кишлоқ хўжалиги мутахассислари билан ўтказган мулоқотларида фермерлик ҳаркатиини самараси, истиқбол ва олдимизда турган вазифалар қўламини хусусида айтган теран фикрлари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди «Шабоба-Н» фермер хўжалиги раҳбари Нурали Ғаниев. — Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи лозим. Чунки фермерлар жамиятда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиши, бу ишларда бошқаларга ибрат кўрсатиб, аҳоли турмуш даражасини юксалтириши, ҳар бир гўшани обод масканга айлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшишни талаб этилади. Биз ҳам ғайрат билан бу йилги пахта хирмонини юксалтириб, ҳудуд иқтисодининг ривожига ўз ҳиссамизни қўйишни мақсад қилганмиз.

Жорий йилда фермер хўжалиги аъзоларининг сайёҳаракатлари билан барча тармоқларда салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, 90

гектар ердаги ғалладан юқори ҳосил олинди, шартнома режаси 111 фоизга бажарилди, 50 миллион сўмдан зиёд соф даромад олинди. Давлат эҳтиёжидан ортидан дон хўжалиги аъзолари, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Дарвоқе, 216 гектар ер майдонига эга ушбу кўптармоқли фермер хўжалигида пахта, ғалла етиштиришдан ташқари, чорвачилик ҳам йўлга қўйилган. Айни пайтда бу ерда 490 бош қорамол боқилмоқда. Утган йили Нурали Ғаниев фаолият турини кенгайтириб, сутини қайта ишлаш цехини ишга туширди. Хўжаликда ишлаётган аъзоларнинг аксарияти маҳалла ёшларидир.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳроржон Тоқиев фермернинг худуд ободлиги, тараққиётига муносиб улуш қўшаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, ўтган йили фермер ташаббуси билан маҳалладаги ичимлик суви манбаи таъмирланди, 4 нафар кам таъминланган оила фарзандининг хатна тўйи ўтказилиб, 4 та оилга қорамол ҳадя этилди. Буларнинг барчаси хўжалик аъзоларининг фидокорона меҳнатидан келаётган мўл ҳосил самарасидир.

Раиснинг айтишича, маҳалла аҳли пахта йиғин-теримига ушқоқлик билан бир экадан бош чиқариб, фермерларга қўмак беришга ҳозирлик кўрмоқда.



НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

Маиший хизмат ривожланмоқда

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида Янгиқўрғон тумани маҳаллаларида 30 га яқин янги объект фойдаланишга топширилиши режалантирилган. Уларнинг аксарияти маиший хизмат кўрсатиш соҳасига оидлиги эътиборга молик.

Биргина Шарқ Юлдузи кишлоқ фуқаролар йиғинида бундай шохобчаларнинг 3 таси аллақачон иш бошлади. Хусусан, «Ровут» маҳалласида тадбиркор Абдуллажон Мамажонов куриб, ишга туширган автосервисда замонавий автомобилларни техник таъмирлаш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Энг асосийси, 6 нафар коллеж битирувчиси доимий иш билан банд.

Яна бир тадбиркор Абдулазиз Умрзоқов эса 2 қаватли маиший хизмат мажмуасини барпо этмоқда. Унинг биринчи қаватидан жой олган савдо дўкони ҳозирда маҳалладошлар хизматида.

«Кизилқийё» маҳалласида иш бошлаган янги автошохобекат ва унга ёндош қурилган хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам кишлоқ аҳли учун байрам совғаси бўлди.

«Садаф мебеллари»нинг харидори кўп

Учқўрғон тумани маҳаллаларида оилавий корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Улар сафига яқинда қўшилган «Садаф мебеллари» эса қисқа вақт ичидида нафақат туман, балки вилоятда ҳам харидорлар эътиборини қозонди.

Стул, стул, шакаф, диван каби 25 турдаги жиҳозлар ишлаб чиқарилаётган мазкур цех маҳсулотларига асосан таълим муассасаларидан талаб тушмоқда.

«Қумтўғон» маҳалласида яшовчи ишбилармон аёл Ҳамида Тиллабоевнинг сайёҳаракати билан ташкил этилган мазкур корхонада асосан оила аъзолари ишлайди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Учқўрғон тумани бўлимаси раиси вазифини бажарувчи Гулбахор Иномжонова. — Ҳозир бу ерда «Устоз — шогирд» ағъанаси асосида ҳудуддаги ёшлар-

ни хунарга жалб этиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Бунда фуқаролар йиғини фаоллари билан оилавий корхона раҳбарининг ҳамкорлиги эътиборга молик.

Таъкидлаш жоизки, «Садаф мебеллари» жорий йил охирига қадар бир қатор таълим муассасаларида 156 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан буюртма олган. Бу эса цех фаолиятини янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Жамшид БЕК «Mahalla»

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Чаман ичра чирой очган хонадон

Марҳамат тумани Гаргар қишлоғида Юнусали Ғозиевнинг уй-боғини ҳалол ва покдамон, сабр ва шукри инсон меҳнатининг меvasи дейиш мумкин.

А. АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Қатта йўл бўйида яшил девор билан тўсилган мўъжаз хиёбон. Тўрида соябонли чорпо ва унинг орқа тарафида ўриндик ўрнатилган. Даставвал зовур киргоғи бўйлаб ясалган зинапоялардан пастга тушамиз. Балкилар қувлашма-чок ўйнаётган қўл сиртидаги «осма кўприк» тўсинини ушлаб, нариги соҳилга ўтаемиз.

Соҳил уч қаватли, ҳар бир қаторга мевали дарaxтлар экилган. Энг юқори қисмида ўрикзор, ўртада ишта, бодом, олъўри ва қуйида олмазор. Булар шунчаки мевали боғ бўлганида, эҳтимол бу қадар тавсифга эҳтиёж қолмас эди. Гап шундаки, ҳар бир дарaxт ҳосил беришидан ташқари яна ноанъанавий манзара касб этган. Масалан, паст бўйли олма қатори худди ер ости йўлига вазифасини ўтайди. Йўлакнинг марълум масофасида юқорида чиқшиш учун «туйнук»лар қолдирилган. «Фор» ва боғ томондан туриб, зовурининг нариги киргоғига қўз ташласангиз у сизга ўрмонни эс-

латади. Бу ердаги мирзатерак, тол, чинор ва ёнқоқка улар остидаги ёш ниҳолларнинг ўсишига шакл берилган. Эни уч-тўрт метрли зовур киргоғи худди ховли девори каби қорашувок қилинган, гўё лойдан безак берилгандек. Баланд, мустаҳкам ва викорли бу манзара Хитой деворини эслатади.

Бир пайтлар бу ерлар қаровсиз эди, — дейди Гаргар кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мунисхон Парниева. — Юнусали отанин кўп йиллик захматно мехнати эвазига зовур атрофи мўъжаз саёхатгоҳга айланди. Бугун бу ер одамларнинг сеvimли маскани. Қолаверса, ёшларнинг табиятга меҳрини юксалтиришда ҳам қўл келмоқда.

Ўндан ортиқ қўлбола чорполар, қозон-ўчоқлар қурилган. Шийпонлардан бири шундайгина сув устида, қўл чўсангиз, балкилар бармонингиздан озуқа олади-гандай. Қалин дарaxтлар оралаб қад зовурининг устида муаллақ қад ростлаган бу қарийиб чайла олма, ўрик дарaxтларидан барпо этил-



ган. Дарaxтлар зовур ичиди ўстирилган. Соҳибқор изми ила юқорида қўрилган. Бўшлик томонга интилган дарaxт танаси табиий тўсин вазифасини ўтаган, шохлар эса қулла деворини томини ёнган. Оёқ остидаги ёғочлар темирдек мустаҳкам. Чайлага камида саккиз киши сигади. Қалин шохлар оралиғидаги радиодан ёқимли куй таралади. Ёнқоқдан ишланган хонтахта усти ўрмон неъматларига тўла.

Боққа ташириб буюрганда деҳқончилик санъати билан меъморлик маҳорати уйғунлигида гувоҳ бўлиш мумкин. Тут дарaxти. Ўнг

томонида темир нарвон. Шохлар орасида шахмат ўйнайдиган ўриндик ўрнатилган. Шахмат доскаси атрофида тўрт киши ўтириб, бемалол дона суришади. Юнусали отанин айтишича, тут шундай хосиятли дарaxтки, нимани пайванд қилса, ўша мевали туҳфа этаверади. Тутнинг бир шохида гилос, яна бошқасида ўрик шигил мева туккан. Пастроқда танаси метиндек мустаҳкам олма дарaxти мева тукканга қарамай, устида болалар учун чарпалак ўрнатилган. Сербарг дарaxтлар сояси

бўйлаб юрсангиз, очик сайхонликдаги баскетбол майдончаси, айниқса, дорбозлар майдони эътиборингизни тортади. «Анджон самоси» халқ дорбозлар гуруҳи анжумлари худди шу ерда.

Дарвоқе, Юнусали Ғозиев 1956 йили дорбозлик санъатига машҳур Тошкентбозлар сулоласига шогирд бўлиб қўшилган кириб келган. У кўп йил ўзбек миллий цирк санъатини хориж мамлакатларида намойиш этди. Ҳозир ҳам мамлакат миқёсидаги Наврўз, Мустақиллик байрамлари «Анджон самоси» халқ дорбозлари гуруҳининг иштирокида ўтмайди. Қолаверса, бу майдон дам олин, байрам кунлари кишлоқ ахлининг, айниқса, ёшларнинг сеvimли маскани айланди.

Чаман ичра чирой очган хонадондаги тартиб интизом, меҳнат-севарлик ва ўзаро меҳр-оқибат кўрганларимизнинг гултожи бўлди. Бу гўшада олгини-етини йил бурунги деҳқончилик асбобларини кўятуринг, хаттоки занг-лаган миҳнинг ҳам жойи борлигига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Дона халқимиз юз бор эшиг-танган кўра, бир марта кўрган аф-занд, дейди. Марҳаматта марҳамат, отахоннинг хонадони худди сахний қалби каби барчага очик.